

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОТИРОВ ТЎЛҚИН ВАФОҚУЛОВИЧ**

**ЭТАЛОН МОДЕЛЛИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ  
ТУРГУН СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни  
автоматлаштириш ва бошқариш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Ботиров Тўлқин Вафоқулович**

Эталон модели адаптив бошқариш тизимларини турғун синтезлаш усуллари ва алгоритмлари.....3

**Ботиров Тулкин Вафоқулович**

Методы и алгоритмы устойчивого синтеза адаптивных систем управления с эталонными моделями .....29

**Botirov Tulkin Bafokulovich**

Methods and algorithms for sustainable synthesis of adaptive control systems with reference models.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works .....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОТИРОВ ТЎЛҚИН ВАФОҚУЛОВИЧ**

**ЭТАЛОН МОДЕЛЛИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ  
ТУРҒУН СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни  
автоматлаштириш ва бошқариш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T342 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат техника университетларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Игамбердиев Хусан Закирович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупбеков Азизбек Нодирбекович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Каипбергенов Батирбек Тулепбергенович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Нурмухамедов Толаниддин Рамзидинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» 11 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (171 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «13» 11 куни тарқатилди.  
(2020 йил «7» 11 даги 27 рақамли реестр баённомаси).



**Н.Р.Юсупбеков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

**У.Мамиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори PhD.

**Севинов Ж.У.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,  
т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сўнги вақтларда замонавий автоматик бошқариш назариясининг асосий йўналишларидан бири мураккаб динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини куришда доимий бошқариш, ўзаро боғланган бошқариш контурларида назорат ва бир-бирига боғлиқ кўпликлар бўйича белгиланган параметрларни сақловчи муаммоларни ечиш ҳисобланади. Эталон моделлар асосида турли функционал мақсадлардаги технологик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтез қилиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтез қилишнинг турли усуллари ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан биридир. Хорижий мамлакатларда технологик жараёнларни адаптив бошқаришни синтезлаш, динамик баҳолаш назарий масалаларини ечиш ва уларни саноатнинг турли тармоқларида амалий тадбиқ этишга катта аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда бошқариш жараёнларининг юқори сифатини таъминлайдиган адаптив тизимларни куришга йўналтирилган универсал ёндашувни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан адаптив бошқариш тизимларини турғун синтезлаш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштириш ва уларни модификациялаш; тизимларни синтез қилиш ва таҳлил қилишнинг типик усуллари адаптив бошқариш; бошқариш қурилмаси параметрларини барқарор баҳолаш алгоритмлари; номаълум параметрларга ва ўлчанмайдиган ғалаёнларга эга бўлган динамик объектларни адаптив барқарорлаштириш усуллари ва алгоритмларини яратиш ҳамда бу тизимларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда интеллектуал бошқариш тизимларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар мажмуи доирасида турли технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш объектларини автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурсларни тежовчи илғор назорат тизимларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, бевосита адаптив бошқариш концепциялари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлашнинг самарали усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга имкон берувчи эталон модели адаптив бошқариш тизимларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги» ва 2018 йил 19 феврал ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Техник ва технологик объектларни адаптив бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан «Honeywell», SIMSCI-Simulation ва California Institute of Technology, Massachusetts Institute of Technology, Stanford University, Caltech University (АҚШ), «Siemens» ва Technical University Munich, Karlsruhe Institute of Technology, RWTH Aachen University (Германия), Imperial College London, The University of Edinburgh, University of Cambridge (Буюк Британия), КТН Royal Institute of Technology (Швеция), «Alstom» (Франция), Technical University of Denmark (Дания), KU Leuven (Бельгия), University of Chemical Technology in Prague (Чехия), The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology (Япония), Seoul National University, Korea Advanced Institute of Science and Technology, Pohang University of Science and Technology (Жанубий Корея), «Simatek-Energo» (Беларуссия), Tsinghua University (Хитой), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Ахборот технологиялари, механика ва оптика миллий илмий тадқиқот институти, Новосибирск давлат техника университетларида (Россия Федерацияси) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Динамик объектларни бошқаришнинг адаптив тизимларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш, уларни бошқариш тизимларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: субоптимал адаптив

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://elibrary.ru>,  
<http://ieeexplore.ieee.org/document/824819>, <http://www.mathnet.ru/rus/agreement>, [www.asucontrol.ru](http://www.asucontrol.ru),  
[www.sial.iias.spb.su](http://www.sial.iias.spb.su), <http://www.ipu.ru>, <http://cyberleninka.ru>, <http://izv-tn.tti.sfedu.ru/?p=21073>,  
[https://nl.wikipedia.org/wiki/Pieter\\_Eykhoof](https://nl.wikipedia.org/wiki/Pieter_Eykhoof), [https://books.google.ru/books/about/Optimum\\_systems\\_control.html](https://books.google.ru/books/about/Optimum_systems_control.html),  
<https://www.itcggroup.ru/ratings/reiting-universitetov-mira-times-2017>, <https://mosiur.org/ranking2019/>,  
<http://terraelectronica.ru>, <http://uk.farnell.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ростлагичларни синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш усуллари яратилган (University of California, Massachusetts Institute of Technology, George Mason University, АҚШ; Linksping University, Швеция; Россия Фанлар Академияси (РФА) Бошқариш муаммолари институти, Россия Федерацияси); эталон модели адаптив бошқариш алгоритмларини жисмонан тадбиқ қилишни синтезлаш усуллари ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ; Linksping University, Швеция; Technische Universiteit Eindhoven, Нидерландия; РФА Бошқариш муаммолари институти, Н.Б.Жуковский номидаги Харбий-ҳаво муҳандислари академияси, Россия Федерацияси); кечикишли динамик объектлар учун эталон модели адаптив бошқариш алгоритмлари ишлаб чиқилган (George Mason University, АҚШ; РФА Бошқариш муаммолари институти, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, Россия Федерацияси); бевосита адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш ва таҳлил қилишнинг типик усуллари ишлаб чиқилган (РФА Бошқариш муаммолари институти, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Ахборот технологиялари, механика ва оптика миллий илмий тадқиқот институти, Россия Федерацияси); ғалаёнлар мавжудлигида бевосита адаптив бошқариш усуллари ишлаб чиқилган (Linksping University, Швеция; РФА Бошқариш муаммолари институти, Россия Федерацияси).

Жаҳонда эталон модели адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: субоптимал адаптив ростлагичларни синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш; адаптив бошқариш алгоритмларини жисмонан тадбиқ қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш; адаптив бошқариш тизимларида бошқарув қурилмасини мунтазам параметрик синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш; вазн функцияларидан фойдаланиш асосида эталон модели адаптив бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бевосита ёндашув концепцияси асосида технологик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотларга тегишли бўлган сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили ушбу соҳада аҳамиятли даражадаги назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш муаммоларига бағишланган кўп сондаги ишлар нашр этилган, умумназарий мезонлар ишлаб чиқилган, ечилган амалий масалалар сони ортиб бормоқда. Адаптив бошқариш тизимларининг ривожига кўплаб хорижлик олимлари, жумладан Astrom K.J., Monopoli R.V., Izerman R., Kalman R., Као Т. Г., Нгуен М., Земляков С. Д., Крутова И.Н., Миркин Е. Л., Бронников А. М., Красовский А.А., Мирошник И.В., Александров А.Г., Неймарк Ю.И., Никифоров В.О., Петров Б.Н., Поляк Б.Т., Тетерин А.В., Белов С.В., Рутковский В.Ю., Артюшок В.П., Круглов С.П., Фомин В.Н., Фрадков А.Л., Цыпкин Я.З., Ядыкин И.Б., Еремин Е.Л., Якубович В.А., Брусин В.А., Теличенко Д.А. ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан –

Бекмуратов Т.Ф., Гулямов Ш.М., Жуманов И.И., Зарипов О.О., Игамбердиев Х.З., Исмаилов М.А., Кадыров А.А., Камиллов М.М., Марахимов А.Р., Нурмухамедов Т.Р., Сиддиков И.Х., Фозилов Ш.Х., Юсупбеков Н.Р. ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Бироқ илмий-тадқиқот объектлари доирасининг кенгайиши ва доимий мураккабланиши субоптимал адаптив ростлагичларни синтезлаш, эталон модели адаптив бошқариш алгоритмларини жисмонан тадбиқ қилиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Шу билан биргаликда, динамик тизимларни адаптив бошқаришни мунтазамлаштириш усуллари ва алгоритмлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, бевосита адаптив бошқаришнинг мунтазамлаш усуллари ўз ривожини талаб этмоқда. Бундан ташқари локал-оптимал ва матрицали адаптив бошқариш тизимларида бошқариш таъсирларини шакллантиришни мунтазамлаш усуллари ва алгоритмларини ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ноаниқлик шароитидаги динамик объектларни бошқаришнинг эталон модели адаптив бошқариш тизимларини қуриш ва амалга оширишнинг алгоритмик амаллари спектрини кенгайтиради ва тизимларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Юқорида келтириб ўтилганлардан бевосита ёндашув концепциялари асосида эталон модели адаптив бошқариш тизимларини синтезлашнинг самарали мунтазамлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш ва келгусида такомиллаштиришнинг жуда зарурлиги келиб чиқади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти ва Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №ЕА-5-002 - «Кимё-технологик объектларнинг адаптив бошқариш системасида ростлагичларни параметрик синтезлашнинг алгоритмларини ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2012-2013); №А-5-033 - «Кўмирни бойитишнинг асосий жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштириш алгоритмларини ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017); №ОТ-Ф4-78-«Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эталон модели адаптив бошқариш тизимларини турғун синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эталон модели адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш назарияси ва усуллари ривожланишини тизимли таҳлил қилиш;

ташқи ғалаёнларда эталон модели турғун адаптив бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

Ляпуновнинг бевосита усули билан эталон модели адаптив бошқариш тизимларининг асимптотик турғун алгоритмларини синтезлаш;



адаптив бошқариш тизимларида бошқарув қурилмасини турғун параметрик синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

вазн функцияларидан фойдаланиш асосида адаптив бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

эталон модели адаптив тизимлар учун мослашувчан алгоритмларини ишлаб чиқиш;

соддалаштирилган эталон модели тизимда параметрларни сошлаш жараёнини бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ҳолат ва бошқариш бўйича кечикишли объектлар учун адаптив тизимни синтезлаш;

ишлаб чиқилган эталон модели адаптив бошқариш усуллари ва алгоритмларини амалий қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида эталон модели адаптив бошқариш тизимлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** эталон модели адаптив бошқариш тизимлари турғун синтезлаш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, динамик баҳолаш, адаптив бошқариш ва нокоррект қўйилган масалаларни ечишнинг умумий услубиятларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ляпуновнинг бевосита усули асосида адаптив бошқариш тизимини синтезлашнинг асимптотик турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

рекуррент псевдотескари матрицалар асосида адаптив матрицали ростлагичларни синтезлашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

динамик филтрлаш тенгламаси қолдиқ векторининг ўзаро боғлиқлик таҳлили асосида ростлагич параметрларини баҳолашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

итератив мунтазамлаштириш тамойиллари асосида адаптив бошқариш тизимларида бошқарув қурилмаларини турғун параметрик синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

рақамли оптималлаштириш усуллари асосида эталон модели адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

бошқариш объектларининг ҳолат векторини баҳолаш асосида ростлагич параметрларини синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ҳолат ва бошқариш бўйича кечикишли объектлар учун эталон модели адаптив тизимлар синтез қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

формалин ишлаб чиқариш технологик жараёнини автоматлаштириш ва адаптив бошқаришнинг структуравий ва функционал схемалари ишлаб чиқилган;

жараёнлар боришининг технологик режимларини барқарорлаштириш ва уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш имконини берувчи техник таъминотга мувофиқ ҳолда формалин ишлаб чиқариш технологик жараёнини адаптив бошқариш тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши, бевосита ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқаришнинг назарий асосланган мезонларини қўлланилиши, замонавий автоматик бошқаришнинг амалий синовдан ўтган усуллари ва алгоритмларини ишлатилиши, адаптив бошқаришнинг таклиф этилган усуллари ва алгоритмларини талаб даражадаги яқинлиги, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошқариш жараёнлари сифатини оширишга имкон берувчи эталон модели адаптив бошқариш тизимларни синтезлашнинг конструктив турғун усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бевосита адаптив бошқаришнинг турли вазифалари учун математик ва алгоритмик таъминотни ишлаб чиқиш ва уларни узлуксиз характерли ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини бошқаришнинг адаптив тизимлари функционал структураларини қуриш ва лойиҳалашни автоматлаштиришда кенг қўллаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бевосита ёндашув концепциялари асосида динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган эталон модели адаптив бошқариш тизимларида бошқарув қурилмаларини турғун параметрик синтезлаш алгоритмлари “Навоийазот” АЖда жорий қилинган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2020 йил 11 августдаги 24-3246-сон маълумотномаси). Натижада, ростлагич параметрларини баҳолаш масаласини мунтазамлаштириш ва қидирилаётган катталикларнинг априор номаълум ташқи ғалаёнларга турғун баҳоларини олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган ташқи ғалаёнларда эталон модели турғун адаптив бошқариш алгоритмлари “Навоийазот” АЖда жорий қилинган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2020 йил 11 августдаги 24-3246-сон маълумотномаси). Натижада, алгоритмлар реал тизим ва унинг математик ифодаси ўртасидаги маълум даражада номунофиқлик мавжуд бўлган ҳолатда баҳолаш масаласини амалга ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган соддалаштирилган эталон модели тизимда жараённи бошқаришнинг параметрини созлаш алгоритмлари “Навоийазот” АЖда жорий қилинган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2020 йил 11 августдаги 24-3246-сон маълумотномаси). Натижада, адаптив ростлагичдаги созланадиган параметрлар сонини тизимдаги номаълум коэффицентлар сонигача қисқартириш имконини берган;

ишлаб чиқилган эталон модели адаптив бошқариш тизимларида ҳолат векторини баҳолаш асосида ростлагич параметрларини синтезлаш алгоритмлари “Навоийазот” АЖда жорий қилинган («ЎЗКИМЁСАНОАТ»

АЖнинг 2020 йил 11 августдаги 24-3246-сон маълумотномаси). Натижада, жараённинг технологик режимлари ўтишини барқарорлаштириш ва унинг фаолият самарадорлиги ошишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шулардан – 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий журналларда нашр этилиб, ЭҲМ лар учун дастурий маҳсулотларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтган 6 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 182 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эталон модели адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш назарияси ва усуллари ривожланишининг тизимли таҳлили**» деб номланган биринчи бобида динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини қуриш ва синтезлаш усуллари ривожланишининг тизимли таҳлили натижалари, динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини қуришга бевосита ёндашувни шакллантириш, динамик объектларни адаптив бошқариш масалалари муаммоли вазиятларини таҳлил қилиш, тадқиқот мақсади ва вазифаларини қўйилиши келтирилган.

Автоматик бошқариш назариясининг замонавий босқичдаги ривожланиши бошқариш объектлари ва уларга таъсир қилувчи ғалаёнлар тўғрисидаги билимларимизнинг ноаниқлигини ҳисобга оладиган масалаларни қўйиш ва ечиш билан таърифланади. Амалиётда фақат бошқариш объектининг тартиби ва унинг математик модели тенгламасининг структураси маълум бўлган ҳолатлар учрайди. Шу билан бирга объект параметрларини бир қисми ёки хатто барчасининг сонли қийматлари номаълум бўлади. Баъзан ноаниқ коэффициентларнинг эҳтимолий қийматларининг диапазонлари берилган бўлиши мумкин, аммо ушбу диапазонлар жуда кенг: юқори қийматлари қўйи қийматларидан бир неча бор ошиши мумкин. Одатдаги бошқариш тизимлари

шу шароитларда турғунлигини йўқотиб, бошқариладиган жараённинг нормал кечишини таъминлаб бера олмайди. Бу аслида технологик жараён ёки объектни бошқаришда шаклланган созиламаларга эга типик ростлагичлар сифатида классик бошқариш қурилмаларидан фойдаланиш талаб этиладиган иш сифатини кафолатли таъминлаш имконини бермаслигини англатади.

Бу ҳолатда бошқариш масаларини ечиш учун ҳам бошқариш объектнинг ўзгарувчан иш шароитларига, ҳам унинг математик ифодасида априор ноаниқлик мавжуд бўлганига мослашиш хусусиятига эга тизимларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Адаптив бошқариш тизимлари назариясида, уларнинг ишлаш жараёнида, бошқариш структураси ва алгоритмлар параметрларининг ўзгариши ҳисобига тизим сифатини оширишга йўналтирилган ёндашувлар шаклланади. Бунда одатда созиланувчи ёки эталон модели адаптив тизимлардан фойдаланилади.

Созиланувчи модели тизимлардан фарқли равишда эталон модели тизимларда бошқариш ва адаптация мақсадлари мос келиб, тизимнинг ҳаракати, тизимнинг исталган ҳаракатини акс эттирадиган эталонли моделга яқинлигини таъминлашдан иборат бўлади. Эталон модели тизимларда, созиладиган параметрлар бўйича асосий контурни параметрик оптималлаштириш масаласи ечилади. Аммо қидирувсиз оптималлаштириш усулларида фойдаланиш ҳисобига оптималлаштириш масаласи ечими кузатув натижалари ва ростлагич созилаш параметрларининг ўртасидаги қидирилаётган алоқани берадиган бошқа алгебраик масала билан алмаштирилади. Бундан ташқари, созилаш функционалининг ўзи ҳам асосий контур ва унинг эталонли модели тўғрисидаги параметрик фарқнинг ўлчами бўлиб хизмат қилади, бу эса бир қатор ҳолатларда адаптив бошқариш тизимига қўйилган техник талабларни содда йўл билан ҳисобга олиш имконини беради.

Бу борада бевосита адаптив тизимлар назарияси концепцияларида асосланган ва бошқариш объекти ҳамда унинг ишлаш шароитлари тўғрисида тўлиқ априор билимларни талаб қилмайдиган бошқариш тизимларини қуриш йўли қизиқарлидир. Бевосита ёндашув асосида қурилган бошқарув тизими жорий бошқаришдаги объект ҳолатини таҳлил қилиш билан керакли бошқариш қонунини автоматик равишда қидира олади. Кўриб ўтилган ҳолатлар бевосита ёндашув концепциялари асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини турғун синтезлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш, уларни саноат ишлаб чиқаришининг муайян технологик жараёнларини автоматлаштириш ва бошқариш масалаларини ечишда амалга оширувчи ҳисоблаш схемаларини синтезлашнинг зарурийлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Субоптимал адаптив ростлагичларни синтезловчи алгоритмларни ишлаб чиқиш**» номли иккинчи боби эталон модел сифатида бошқарувчи адаптив кузатувчини синтезлаш; динамик филтрлаш тенгламаси қолдиқ векторининг ўзаро боғлиқлик таҳлили асосида ростлагич параметрларини мунтазам баҳолаш; эталон модели адаптив тизимнинг асимтотик турғун алгоритмини Ляпуновнинг бевосита усули билан

синтезлаш; динамик объектларни бевосита адаптив бошқариш тизимларида бошқарувчи қурилмаларни мунтазам параметрик синтезлаш; кўпхадлар ёндашуви асосида ноаниқ эталон модели адаптив матрицали ростлагичларни синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Эталон модели адаптив тизимларда бошқариш объекти параметрларини ўзгартириш кенгайтирилган ҳолат фазосидаги айрим дифференциал тенгламаларга бўйсунди. Дифференциал тенгламалар кенгайтирилган тизимини асимптотик турғунлиги ҳатто бир хил бўлмаган бошланғич шартлар  $x_0 \neq z_0$  да ҳам моделнинг исталган чиқиш сигналинини кузатиш ҳамда бутун тизимнинг турғун бўлишини кафолатлайди.

Кенгайтирилган фазода асимптотик турғунлик Ляпунов функциялари ёрдамида ўрганилиши мумкин:

$$V(e, \delta f_{ij}, \delta b_{ij}) = e^T Q e + \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^m \frac{1}{v_{ij}} \delta f_{ij}^2 + \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^m \frac{1}{w_{ij}} \delta b_{ij}^2 > 0,$$

бу ерда  $Q = Q^T > 0$ ,  $v_{ij} > 0$ ,  $w_{ij} > 0$ ,  $i = 1, \dots, m$ ,  $j = 1, \dots, m$ . Тизим ҳисобига функция  $V$  нинг тўлиқ ҳосиласи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\dot{V}(e, \delta f_{ij}, \delta b_{ij}) = e^T [M^T Q + Q M] e + 2e^T Q \Delta F x + 2e^T Q B r + 2 \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^m \frac{1}{v_{ij}} \delta f_{ij} \dot{\delta f}_{ij} + 2 \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^m \frac{1}{w_{ij}} \delta b_{ij} \dot{\delta b}_{ij}.$$

Қуйидагилар асосида  $\delta f_{ij}$  ва  $\delta b_{ij}$  танлаб

$$\dot{\delta f}_{ij} = -v_{ij} \left[ \sum_{k=1}^m e_k q_{ki} x_j + \delta f_{ij} \right], \quad \dot{\delta b}_{ij} = -w_{ij} \left[ \sum_{k=1}^m e_k q_{ki} r_j + \delta b_{ij} \right], \quad i = 1, \dots, m, \quad (1)$$

ҳосила  $\dot{V}$  нинг қуйидаги кўринишига эга бўламиз:

$$\dot{V} = e^T [M^T Q + Q M] e - \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^m \delta f_{ij}^2 - \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^m \delta b_{ij}^2. \quad (2)$$

Модел (2) асимптотик турғун деб ҳисоблангани боис, қуйидагилар билан ҳисобланадиган мусбат аниқланган матрица  $P = P^T > 0$  мавжуд

$$M^T Q + Q M = -P < 0.$$

(2) даги икки бошқа аъзоси манфий бўлгани учун  $\dot{V}$  ҳам манфий функция бўлади, демак кенгайтирилган тизим ҳам асимптотик турғундир:  $V > 0$ ,  $\dot{V} < 0$ .

Шундай қилиб, (1) нисбатлар билан параметрлар  $\delta f_{ij}$  ва  $\delta b_{ij}$  ни созлаш учун яқинлашувчи алгоритм аниқланади. Аммо ушбу нисбатлар параметрлар  $\beta$  ни ростлаш учун аниқ алгоритминини ҳали белгилаб бермайдилар. Шу каби алгоритмни олиш учун  $\beta$  га нисбатан қуйидаги тенгламаларни ечиш лозим:

$$\frac{\partial \delta f_{ij}(\beta, \alpha)}{\partial \beta} \dot{\beta} = -v_{ij} \left[ \sum_{k=1}^m e_k q_{ki} x_j + \delta f_{ij}(\beta, \alpha) \right], \quad (3)$$

$$\frac{\partial \delta b_{ij}(\beta, \alpha)^T}{\partial \beta} \dot{\beta} = -w_{ij} \left[ \sum_{k=1}^m e_k q_{ki} r_j + \delta b_{ij}(\beta, \alpha) \right], \quad i, j = 1, \dots, m,$$

Ҳосила  $\dot{\beta}$  ни олиш учун тенгламалар (3) биргаликда ечилиши лозим:

$$\dot{\beta} = - \begin{bmatrix} \{\mathcal{F}^T_{ij}\} \\ \{\mathcal{B}^T_{ij}\} \end{bmatrix}^{-1} \begin{bmatrix} v_{ij} \left[ \sum_{k=1}^m e_k q_{ki} x_j + \mathcal{F}_{ij}(\beta, \alpha) \right] \\ w_{ij} \left[ \sum_{k=1}^m e_k q_{ki} r_j + \mathcal{B}_{ij}(\beta, \alpha) \right] \end{bmatrix}, \quad (\beta(t_0) = \beta), \quad (4)$$

бу ерда (4) тенгликнинг ўнг томонидаги тескари матрица мавжуд деб кўзда тутилган.

(4) ифодадан фойдаланилганда тескари матрицаларни ҳисоблаш бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки  $\begin{bmatrix} \{\mathcal{F}^T_{ij}\} \\ \{\mathcal{B}^T_{ij}\} \end{bmatrix}^{-1}$  матрицаларнинг ўлчамлари катта ва бузилган бўлиши мумкин. Бундай матрицаларни ҳисоблашда матрицаларни блоklarга ажратиш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

$$M = \begin{bmatrix} \{\mathcal{F}^T_{ij}\} \\ \{\mathcal{B}^T_{ij}\} \end{bmatrix} \quad (|M| \neq 0); \quad M = \begin{pmatrix} A & B \\ C & D \end{pmatrix}, \quad A \in R^{n \times n}, \quad (|A| \neq 0), \quad B \in R^{n \times q}, \quad C \in R^{q \times n}, \quad D \in R^{q \times q}.$$

У ҳолда

$$M^{-1} = \begin{pmatrix} A^{-1} + A^{-1}BH^{-1}CA^{-1} & -A^{-1}BH^{-1} \\ -H^{-1}CA^{-1} & H^{-1} \end{pmatrix}$$

бу ерда  $H = D - CA^{-1}B$ .

Агар  $|D| \neq 0$  деб фараз қилсак, қуйидаги кўринишни ҳосил қиламиз:

$$\begin{pmatrix} A & B \\ C & D \end{pmatrix}^{-1} = \begin{pmatrix} K^{-1} & -K^{-1}BD^{-1} \\ -D^{-1}CK^{-1} & D^{-1} + D^{-1}CK^{-1}BD^{-1} \end{pmatrix},$$

бу ерда  $K = A - BD^{-1}C$ .

Келтирилган алгоритмлар  $M$  матрицаларни тескарисини ҳисоблаш процедурасини барқарорлаштиришга ва шу билан бирга адаптив бошқариш тизимида ростланадиган параметрни баҳолаш аниқлиги ошишига хизмат қилади.

Эталлон модели ростлагичларни куриш усулини матрицали ростлагичларни полиноминал ҳисоблаш асосида синтезлаш нуқтаи-назаридан кўриб чиқамиз. Бу матрицали ростлагичлар, жойлашуви берилган ва эталон модели ростлагичларнинг хусусиятларини ўзида жам қилган.

Бошқариш объекти қуйидаги модел билан ифодаланган бўлсин:

$$A(z^{-1})y(t) = z^{-k}B(z^{-1})u(t), \quad (5)$$

бу ерда  $A(z^{-1})$  ва  $B(z^{-1}) - z^{-1}$  дан кўпхад матрицалар

$$A(z^{-1}) = I_n + \sum_{i=1}^{\bar{n}} A_i z^{-i}, \quad B(z^{-1}) = I_n + \sum_{i=0}^{\bar{n}} B_i z^{-i},$$

бу ерда  $I_n - [n \times n]$  ўлчамли бирлик матрица;  $A_i \in R, 1, n; B_i \in R^{n \times m}, i = \overline{0, n}$ .

Ростлагич қуйидаги тенглама билан ифодаланилади:

$$R(z^{-1})u(t) = Q(z^{-1})g(t) - S(z^{-1})y(t), \quad (6)$$

бу ерда  $g(t) -$  берилган таъсир,  $g(t) \in R^l, R(z^{-1}), Q(z^{-1})$  ва  $S(z^{-1}) -$  кўпхад матрицалар  $z^{-1}$  дан;  $R_i \in R^{m \times m}, i = \overline{1, n_R}; Q_i \in R^{m \times l}, i = \overline{0, r}; S_i \in R^{m \times n}, i = \overline{0, n_S}$ .

Матрицали узатиш функциясини куйидагича ифодалаш мумкин:

$$W_m(z^{-1}) = z^{-k} H(z^{-1}) / f(z^{-1}), \quad (8)$$

бу ерда  $H(z^{-1}) = \sum_{i=0}^{n_H} H_i z^{-i}$ ,  $H_i \in R^{n \times l}$ ,  $i = \overline{0, n_H}$ ;  $f(z^{-1}) = 1 + \sum_{i=1}^{n_f} f_i z^{-i}$  – турғун кўпхадлар.

Ноаниқ эталон моделдан фойдаланиш, лойиҳалашда берилган оптималлик мезонини минималлаштириш маъносида оптимал деб танлаш мумкин бўлган эталон ўтиш жараёнини шакллантириш учун мослашувчан воситани такдим этади. (7) тизим ва унинг ноаниқ эталон модели (8) га тегишли матрицали узатиш функцияларининг яқинлик мезони сифатида  $E(z^{-1})$  матрицанинг Фробениус меъёри квадратидан иборат функционалдан фойдаланамиз:

$$J = \text{tr}(\bar{V}_d L \bar{Q} - \bar{V}_f \bar{H})^T (V_d L \bar{Q} - \bar{V}_f \bar{H}) = \text{tr}(\bar{Q}^T L^T \bar{V}_d^T - 2\bar{Q}^T L^T \bar{V}_d^T \bar{V}_f \bar{H} + \bar{H}^T \bar{V}_f^T \bar{V}_f \bar{H}). \quad (9)$$

$\bar{Q}$  матрицанинг параметрларини аниқлаш учун куйидаги ифодаларни киритамиз:  $R_0 = V_d^T V_d$ ,  $Q^0 = V_d^T V_f$ ,  $S^0 = V_f^T V_f$ .

Шунда  $X$  матрица қолипти ва  $X^{-1} = T(u, v)$ . бўлади. Энди, (9) ни куйидагича ёзиш мумкин:

$$J = \text{tr}(\bar{Q}^T L^T \bar{T}(d, d) L \bar{Q}^T - 2\bar{Q}^T \bar{T}(d, f) \bar{H} + \bar{H}^T \bar{T}(f, f) \bar{H}). \quad (10)$$

Бундан, (8) функционални минимал қилувчи  $\bar{Q}$  матрицани аниқлаймиз:

$$\bar{Q} = (KL)^+ M \bar{H}, \quad (11)$$

бу ерда "+" – псевдоўзгартириш белгиси.

Агар  $m \geq n$  бўлса, (10) ни минимал қилувчи кўпхадли матрица  $Q(z^{-1})$  параметрларини аниқлаш мумкин, бунда тизимнинг чиқиш сигналлари ва ноаниқ эталон модели, ўзгармас топшириқ таъсирга жавобан асимптотик мос тушиши:  $\bar{Q} = U \bar{Q}_1 + \begin{pmatrix} I_n \\ 0 \end{pmatrix} F$ .

Бу ифодани (10) га кўйиб ва функционални матрица параметрлари  $\bar{Q}_1$  бўйича минималлаштириб, оптимал матрицани  $\bar{Q}_1$  топамиз:

$$\bar{Q}_1 = (KLU)^+ (M \bar{H} - K \bar{C} F). \quad (12)$$

Таъкидлаш лозимки,  $K$ ,  $M \bar{H}$  матрицалар (1) объектнинг параметрларига боғлиқ эмас ва тизимни лойиҳалаш босқичида аниқланиши мумкин. Оптимал (11) ва (12) матрицаларни шакллантириш учун  $\Lambda = KL$  ва  $\Omega = KLU$  матрицаларни псевдоўзгартирадиган рекуррент формулалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Матрицаларни псевдоўзгартириш назарияси ва усуллари асосида  $\Lambda$  матрицани псевдоўзгартириш алгоритмининг келтирамиз, уни  $\Omega^+$  матрица учун ҳам қўллаш мумкин.

Бунда ноаниқ эталон модел эталон матрицали узатиш функцияси кўринишида берилади; у бошқариш тизимининг чиқишидаги сигналнинг ихтиёрий ҳаракатларини белгилайди. Ростлагичларни синтезлаш кўпхад ҳисоблашнинг маълум усуллари ёрдамида бажарилади, бу усулларда ҳисоблар ҳажми нисбатан катта эмас. Кўпхад факторлаш, матрицали кўпхад тенгламани ва тўғри чизиқли алгебраик тенгламалар тизимини ечишни ўз ичига олади.

Шунингдек, ишда баҳоловчилар фойдаланувчи оптимал башоратчилар асосида ростлагич параметрларини аниқлашнинг соддалаштирилган алгоритмлари келтирилган.

Фараз қиламиз, бошқариш жараёни динамикаси қуйидаги кўринишдаги чизиқли вектор айирмали тенгламалар ёрдамида ифодалансин:

$$A(q^{-1})y(t) = B(q^{-1})u(t-k) + d + (q^{-1})z(t), \quad (13)$$

бу ерда:  $y$  – чиқиш сигналининг  $m$ -ўлчамли вектори;  $u$  –  $m$ -ўлчамли бошқариш вектори (кириш сигнали);  $d$  – доимий элементлардан ташкил топган  $m$ -ўлчамли вектор, кириш синалининг қиймати нол бўлганда барқарор чиқиш қийматини тавсифлайди;  $z$  – мустақил бир хил тақсимланган тасодикий векторлар хилма-хиллиги, ўртача қийматлари нол ва ковариациялари  $E\{z(t)z^T(t)\} = r$  га тенг;  $E$  – ўртачага қийматга келтирувчи оператор;  $k$  – кечикиш вақти;  $q^{-1}$  - кечикиш (тескари силжиш) оператори  $q^{-1}y(t) = y(t-1)$ .

Адаптив тизимнинг ишлаш сифатини қуйидаги мақсад функционали орқали ифодалаш мумкин:

$$J = E\left\{\|P(q^{-1})y(t+k) - R(q^{-1})w(t)\|^2 + \|Q'(q^{-1})u(t)\|^2\right\}, \quad (14)$$

бу ерда  $P$ ,  $R$  ва  $Q'$  – полиномиал матрицалар.

Адаптив ростлагичнинг структурасига энг кичик квадратлар усули билан ишлайдиган оптимал башоратчи киради, у (13) тенгламадан фойдаланиш натижасида олинади. Бу бошқариш қонунинг параметрларини ҳисоблаш учун баҳоловчидан фойдаланилади. Уни синтезлашда қуйидаги фаразларга асосланилади, яъни параметрларнинг тенгламалари  $\theta(t+1) = \theta(t) + w(t)$  билан апроксимацияланади, ўлчаш тенгламаси эса:

$$z(t) = X(t-\tau)\theta(t) + v(t), \quad z(t) = y(t) - py^d(t-\tau) + lu(t-\tau),$$

бу ерда

$$\theta = [g_{11}^0, \dots, g_{m1}^0, \dots, g_{1m}^{n_g}, \dots, g_{mm}^{n_g}; s_{11}^0, \dots, s_{m1}^0, \dots, s_{1m}^{n_s}, \dots, s_{mm}^{n_s}; d_{1m}^0, \dots, d_{mm}^0, \dots, d_{1d}^{n_d}, \dots, d_{md}^{n_d}; \gamma_1, \dots, \gamma_m]^T;$$

$$X = [U:Y:Y^d:I], \quad U = [u^T(t-\tau) \otimes I : \dots : u^T(t-\tau-n_g) \otimes I],$$

$$Y = [y^T(t-\tau) \otimes I : \dots : y^T(t-\tau-n_s) \otimes I], \quad Y^d = [y^{dT}(t-\tau) \otimes I : \dots : y^{dT}(t-\tau-n_d) \otimes I],$$

$$E[w(t)] = 0, \quad E[w(t)w^T(q)] = Q(t)\delta_{tq}, \quad E[v(t)] = 0, \quad E[v(t)v^T(q)] = R(t)\delta_{tq}, \quad E[w(t)v(q)] = 0.$$

- кечикиш вақти,  $I$  - бирлик матрица.

У ҳолда ростлагич параметрларини баҳолашни Калман фильтри асосида ифодалаш мумкин. Филтрлаш жараёнига катта миқдордаги турғунликни бериш учун реал вақт вазибаларида кўрсатилган алгоритмлар синфини амалга ошириш учун, энг замонавий ахборот технологияларини қўллашга асосланган, замонавий ортоганаллашган блокли алгоритмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ростлагич параметрларининг ҳолат тенгламалари қуйидаги ифода кўринишида берилган бўлсин:

$$\theta(k+1) = \theta(k) + w(k), \quad \theta(0) = \theta^0. \quad (15)$$

Ўлчаш тенгламаси қуйидагича:

$$z(k) = H(k)\theta(k) + v(k). \quad (16)$$



Иккала тенгламани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$A\theta = z, \quad (17)$$

бу ерда  $A$  – масаланинг оператори бўлиб, (15), (16) кўринишида акс эттирилган композициясидан иборат.

(17) тенгламани ечиш масаласи ноаниқ шартланган масалани ифодалайди. Ундаги дастлабки маълумотлар  $\{A, z\}$  тахминан маълум. Аппроксимациялаш шартини қуйидагича қабул қиламиз:

$$\|A_h - A\| \leq h, \quad z_\delta = z + \tilde{z}, \quad \|\tilde{z}\|_F \leq \delta,$$

бу ерда  $U, F$  – қандайдир чизикли меъёрланган фазолар.

(4) тенгламани ечишда итерацион усуллардан фойдаланамиз, у қуйидагича ёзилади:  $\theta_{r+1} = F_A(\theta_r, \tilde{z}, h)$ ,  $r = 0, 1, 2, \dots$ .

Итерацияли алгоритм сифатида қуйидаги усулар кўриб чиқилади: “тезкор тушиш”  $\theta(r+1) = \theta(r) - \beta(r)J'\theta(r)$ ,  $\beta(r) = \|J'\theta(r)\|^2 / \|A_h J'\theta(r)\|^2$ ; минимал хатоликлар  $\theta(r+1) = \theta(r) - \beta(r)J'\theta(r)$ ,  $\beta(r) = \Delta^2(r) / \|J'\theta(r)\|^2$  ва оддий итерация  $\theta(r+1) = \theta(r) - \beta J'\theta(r)$ ,  $\beta > 0$ ,  $r = 0, 1, 2, \dots$ , усуллари; бу ерда  $J(\theta) = 0.5\|A_h\theta - z\|_Z^2 = 0.5\Delta^2(\theta)$ ,  $J'\theta = (A_h)^T(A_h\theta - z)$ ,  $\Delta(\theta) = \|A_h\theta - z\|_Z$ .

Келтирилган алгоритмлар, ростлагич параметрларини баҳолаш масаласини мунтазамлаш ва изланаётган катталикларнинг ташқи, априор номаълум ғалаёнларга турғун баҳосини олиш имконини беради.

Бобда, шунингдек, фойдали сигнал ва ҳалақитнинг статистик характеристикалари априор ноаниқлигини ҳисобга олган ҳолда адаптив бошқариш тизимларида бошқариш қурилмасининг синтези муҳокама қилинган. Олинган ифодалар ўрта квадратик маънода оптимал ёки субоптимал баҳолаш алгаритимларни синтезлаш имконини беради. Бу баҳолашнинг яқинлашиши, аппроксимация қилиш схемалари ва яхлитлаш хатоларига нисбатан турғунлик хусусиятларига эга бўлади.

